

АХБОРОТ-КУТУБХОНА ЖУРНАЛИ

INFOLIB

ИНФОРМАЦИОННО-БИБЛИОТЕЧНЫЙ ЖУРНАЛ



№1 2019
ISSN 2181-8207

УШБУ СОНДА:

СТО ЛЕТ НАЦИОНАЛЬНОЙ
БИБЛИОТЕКИ ЭСТОНИИ

28 бет

ИСТОРИЯ
ФОРМИРОВАНИЯ
АРХИВНОГО ФОНДА
ГОСУДАРСТВЕННОГО
ЭРМИТАЖА РОССИИ

42 бет

РУКОПИСНОЕ
НАСЛЕДИЕ
УЗБЕКИСТАНА

50 бет

АЛОУДДИН
УСМАНДИЙНИНГ
«ЛУБОБУ-Л-КАЛОМ» АСАРИ

72 бет

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВНИНГ
ҲАЁТ ҚИССАЛАРИ

88 бет



«МИЛЛИЙ УМУМТАЪЛИМ ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА» Фойдаланувчилар Хизматида



НАВРЎЗ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



УШБУ СОНДА: В НОМЕРЕ:

«INFOLIB» –
«аборот-кутубхона» журнали
Информационно-библиотечный журнал –
«INFOLIB»

- ТАҲРИРИЯТДАН – ОТ РЕДАКЦИИ**
3 Ушбу сонда
- МИНБАР – ТРИБУНА**
4 Навоий ва китобхонлик. Навоий «Мантқиқ ут-тайр»ни неча ёшлигида ёдлаган?
С.Олим
- ЯНГИЛИКЛАР – НОВОСТИ**
10 Новости информационно-библиотечной сферы в мире.
- ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ – МЕЖДУНАРОДНАЯ ПРАКТИКА**
14 Региональные информационные ресурсы исторической науки. Т.Бусыгина,
Л.Мандринина, В.Рыкова.
18 Патентно-техническая информация в помощь науке. Д.Цукерблат
22 Особенности создания и функционирования музеев истории библиотек:
Традиционные формы и современные тенденции презентации экспозиций.
В. Соколов
28 Сто лет Национальной библиотеке Эстонии: Молодой и инновационной
библиотеке нового поколения. Я. Андресоо
34 Востребованность электронного каталога научной библиотеки: на примере БД
«Периодика». С. Янюк
38 Результат деятельности детских библиотек города Красноярска. Е. Шевчук,
О. Григорьева
- ЖАҲОН МЕРОСИ – МИРОВОЕ НАСЛЕДИЕ**
42 История формирования архивного фонда Государственного Эрмитажа
России. И. Ефимова
46 Редкие издания в фонде ГНПБ Украины им. В.А. Сухомлинского НАПН
Украины: Сохранение и использование. Р. Палийчук
- МЕРОС – НАСЛЕДИЕ**
50 Рукописное наследие Узбекистана. Ш. Камолитдинов
56 Люди, книги, библиотека. О. Илюшкина
62 Нумизматическая коллекция Государственного музея искусств Узбекистана
Д. Темирходжаев, Т. Нуриддинова
68 «Турон» тарихидан сўзловчи саҳифалар. Ф. Нуриддинова
72 Алоуддин Усмандийнинг «Лубобу-л-калом» асари. О. Муҳаммадиев
74 Китоб табиблари. М. Усмонов
- АМАЛИЁТ – ПРАКТИКА**
76 Оммавий онлайн очик курслар орқали аборот-кутубхона мутахассислари
малакасини ошириш усуллари. В. Ҳамидов
78 Ўзбекистон Фанлар академияси Асосий кутубхонаси кейинги ўн йил ичида.
З. Бердиева
80 Таълим тизими ривожига аборот-ресурс марказларининг имконияти.
Н. Қаюмова
82 Мобил кутубхоналарнинг яратилиши ва китоб мутолааси. Ф. Рўзиева
84 Самая молодая ВУЗовская библиотека. Ш. Тиллашайхова
86 Ёшларни комил инсон бўлиб вояга етишида камарбастамиз. М. Ахмедова
- КИТОБХОН – ЧИТАТЕЛЬ**
88 Чингиз Айтматовнинг ҳаёт киссалари. В. Файзуллоҳ
- ЯНГИ АДАБИЁТЛАР – НОВЫЕ ПОСТУПЛЕНИЯ**
92 Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондига келиб тушган янги нашрлар
- ДУНЁ КУТУБХОНАЛАР**
94 Дунёдаги ноёб кутубхона: У ҳақида нималарни биламиз?

№1 (17) 2019 й.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг
маданий, маърифий, илмий-оммабоп
журнали, 2015 йилдан чиқа бошлаган

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

Алишер Абдуазизов – раис

Кенгаш аъзолари:

Асаджон Ходжаев
Эркин Охунжонов тарих.ф.д.проф.
Марат Раҳматуллаев тех.ф.д.проф.
Абдусалом Умаров с.ф.д.проф.
Иброҳим Йўлдошев филология ф.д. проф.
Тўлқин Тешабоев иқтисод ф.н. доцент
Бахтиёр Сайфуллаев пед.ф.н. проф.
Комил Алламжонов
Зухриддин Низомиддинов фил. ф. н.
Гулом Нарзуллаев пед.ф.н

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Аслиддин Жўраев – бош муҳаррир

Ҳайъат аъзолари:

Умида Тешабоева
Раиса Ратнер
Зухра Бердиева
Абадбой Қиличбоев
Воҳид Ҳамидов тех. ф.н. доцент
Баҳодир Мўминов тех. ф.д.

Марина Ким – бош муҳаррир ўринбосари
Гулчехра Ҳомидова – муҳаррир
Мавлуда Меликулова – мусаҳҳих
Дарья Капустина Канти – дизайнер
Бобур Тургунов – фотомухбир

Нашр учун масъул

Фаррух Мусаев

Босишга 30.03.2019 йилда руҳат берилди.

Қоғоз формати 60x84 1/8. Нашриёт ҳисоб табағи 8,7.

ИНДЕКС 1277 ISSN 2181-9207

Журнал 2015 йил 10 мартда Ўзбекистон матбуот ва аборот
агентлиги томонидан № 0846 рақами билан рўйхатга олинган.
Журналдан кўчириб босилганда «INFOLIB аборот-кутубхона
хабарномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт

Ушбу «INFOLIB аборот-кутубхона хабарномаси» журнали
таҳририятининг компьютер марказида тайёрланди
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 1 уй.
E-mail: infolibnl@gmail.com Сайт: www.natlib.uz
Телефон: +99871 239-41-24; +99871 232 83 94

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг
матбаа бўлимида чоп этилди
Буюртма № 487. Адади 1000 дон
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 1 уй



УШБУ СОНДА:



урматли муштарий, Сиз билан журналнинг 2019 йилги 1-сони орқали ғойибона учрашиб турганимиздан мамнунмиз.

«ИНФОЛИБ» журналининг нуфузи сўнги йилларда ортиб бормоқда. Буни биз республикамиздаги ахборот-кутубхона муассасаларининг тажрибали мутахассислари мақолалари ҳамда хорижий муаллифлар билан олиб бораётган ҳамкорлигимиз самарасида деб биламиз. Зеро 2018 йил давомида биргина хорижий муаллифларнинг 34 та мақоласи журналда саҳифаларида чоп этилди. Биз ўз фаолиятимизни шундай суръатда давом эттириш мақсадида, Сизларни бу йилда ҳам қизиқарли илмий мақолалар билан таништириб борамиз.

Хусусан, журналнинг «Минбар» рукнида таниқли адабиётшунос олим Султонмурод Олим шоир ва мутафаккир Алишер Навоий қайси жанрларда ижод қилгани, унинг асарларини бугунги кун қараши билан ўқиш лозимлиги каби мавзулардаги мулоҳазалари билан ўртоқлашади.

Журналнинг «Янгиликлар» рукнида ҳар доимгидай Халқаро кутубхоналар ассоциациялари федерацияси (IFLA) янгиликлари билан таништириб борамиз. Янгиликлар аввалида IFLAнинг Осиё, Африка ва Лотин Америкаси минтақаси мутахассислари учун стипендия дастури, унинг стипендиатлари ҳақида маълумотлар берилган.

«Халқаро амалиёт» рукнида Россия Фанлар академиясининг Сибирь давлат илмий-техника кутубхонаси илмий библиография бўлими бошлиғи, биология фанлари номзоди Татьяна Бусигинанинг тарих фанининг ахборот базаси манбаси бўлмиш тарихий библиографик маълумотларга бағишланган мақоласи билан бошланади.

Россия Давлат Эрмитажининг қўлёзма ва ҳужжатлар фонди бўлимининг катта илмий ходими Ирина Ефимова ўз мақоласида Россия Давлат Эрмитаж саройида йиғилган улкан суратлар коллекцияси, ноёб архив ҳужжатларнинг сақланиши ҳақида ҳикоя қилади.

Ярослав Мудрий номидаги Украина Миллий кутубхонасининг бош мутахассиси, тарих фанлари номзоди Виктор Соколов кутубхона тарихи музейларини ташкил этишнинг аҳамияти ҳақида фикр юритади. Эстония Миллий кутубхонаси бош директори Янне Андресоо

ўз мақоласида 100 ёшлигини нишонлаётган Эстония Миллий кутубхонаси янги авлоднинг ёш ва инновацион кутубхонаси, деб тан олиб келинаётгани, унинг тарихи, бугунги фаолияти ва истиқболдаги режалари ҳақида ҳикоя қилади.

Журналимизнинг «Мерос» рукнида Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг илмий тадқиқотлар бўлими маслаҳатчиси Ольга Илюшкинанинг, қарийб бир ярим асрдан буён зиё улашиб келаётган Миллий кутубхонанинг тарихи, шу даврда фаолият юритган раҳбарлари мутахассислари фаолиятига бағишланган мақола ўрин олган.

Шунингдек, тарих фанлари доктори Шамсиддин Комолиддиновнинг мақоласи халқимизнинг ёзма битиклари, аجدодларимиздан қолган тарихий қўлёзмаларни ўрганишга бағишланганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўзбекистон тасвирий саънати галерияси директори, тарих фанлари номзоди Жаҳонгир Темирхўжаев мақоласида музейнинг археологик экспонатларидан ўрин олган тангалар коллекцияси ва уларда зоҳир этилган муҳим тарихий маълумотлар баён этилган.


Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Нашрлар бўлими бошлиғи Отабек Муҳаммадиев мақоласида машҳур фақиҳ ва мутафаккир Алоуддин Усмандийнинг «Лубобу-л-калом» («Калом илмининг жавҳари») асари ҳақида батафсил маълумот берилган.

Журналнинг «Амалиёт» рукнида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги бўлим бошлиғи, техника фанлари номзоди, доцент Воҳид Ҳамидов ахборот-кутубхона мутахассислари малакасини ошириш усуллари бағишланган мақоласида e-learning электрон таълим тизими, онлайн масофавий ўқитиш имкониятлари, мазкур хизматларни таклиф этувчи энг йирик провайдерлар ва ахборот-кутубхона соҳаси мутахассисларига тавсия этилаётган курслар ҳақида маълумот беради.

Янги жорий этилган «Китобхон» рукнида эса, ижод аҳлини илҳомлантирган асарларнинг талқинини эътиборингизга ҳавола этиб борамиз. Мазкур сонда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Вафо Файзуллоҳни буюк қирғиз адаби Чингиз Айтматов асарларидаги ҳаётий воқеаларнинг таҳлилга бағишланган мақоласи билан танишингиз мумкин. ■

НАВОИЙ ВА КИТОБХОНЛИК

Навоий «Мантиқ ут-тайр»ни неча ёшлигида ёдлаган?



Султонмурод Олим, «Накшбандия» журнали бош муҳаррири, филология фанлари номзоди

«Алишер етти ёшида Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарини ёд олган»и айтилади. Навоийга муносабатда бундай тахминларга ўрин бермаслик керак. Бу ерда ёшини кичрайтириб кўрсатиш билан шоирнинг обрўйи ортиб қолмайди ҳам

The author writes about the creative work of the great Eastern thinker Alisher Navoi and his genius. Many scholars of naviveda celebrate his success at the age of seven, he studied the works and knew by heart the dastans Fariddin Attor «Bird speech». Already in adulthood, the great thinker wrote his works in two languages, in Turkic and also in Farsi, when in Turkic under the pseudonym Navoi, and when in Farsi – under the pseudonym Foni. During his life, Alisher Navoi wrote more than 30 works and at the same time his vocabulary in Old Uzbek language was about 26035 words.

Таянч тушунчалар: Алишер Навоий, фоний, «Хазойин ул-маоний», «Мантиқ ут-тайр», «Лисон ут-тайр», таҳлил, моҳият, макон, замон.

Навоий болалигида, яъни мактабда ўқиб юрган кезлари Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» достонини тўлиқ ёдлаб олганини ёзади. Лекин у бу маҳалда неча ёшда экани ҳеч кимга маълум эмас. Мутахассислар, ҳар ҳолда, ўн ёшларда бўлганини тахмин қилишади, холос. Лекин навоийшуносликдан узоқ муаллифларга осон, чоғи, кўрқмасдан-нетмасдан: «Навоий ҳазратлари 7 ёш(лар)ида Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарини ёддан билганлар», – деб ёзаверишади. Бу борада бир кишигина хато қилса, ҳеч гап эмас. Лекин бошқа бир ерда ҳам: «Алишер етти ёшида Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарини ёд олган»и айтилади. Навоийга муносабатда бундай тахминларга ўрин бермаслик керак. Бу ерда ёшини кичрайтириб кўрсатиш билан шоирнинг обрўйи ортиб қолмайди ҳам.

Навоийнинг нечта тахаллуси бор?

Ушбу сатрлар муаллифи 1992 йили «Фан» нашриётида чоп этилган «Ишқ, ошиқ ва маъшук» рисоласида навоийшуносликдаги бир хато қарашга аниқлик киритиб, «Фоний» Навоийнинг ҳам форсий, ҳам туркий тахаллуси эканини илман исботлашга уринган эди. Чунки шоир ўзининг «Лисон ут-тайр» достонини айнан «Фоний» тахаллуси билан битади. Бу дoston эса ўзбек тилида яратилган. Ҳажм жиҳатидан «Лисон ут-тайр» асари «Девони Фоний»га яқин туради.

Шунга қарамай, ханузгача бу борада эски хато қараш ўзгаргани йўқдек. Матбуотда тез-тез: «Алишер Навоий туркий тилда ёзган шеърларига «Навоий», форсий тилдаги шеърларига «Фоний» деб тахаллус қўяди», – деб ёзишаверади.

Навоий олти мингдан зиёд ҳадисни ёд олгани?

Ўтмишда ўтган буюқларимиз ҳақида чўқан-барака маълумотлар келтиришга мойил бўлиб қолганга ҳам ўхшаймиз. Ҳолбуки, илм ҳар қандай тарихий шахс ҳақида асосли, мўтабар манбаларга суянган ҳолда айтилган, ишончли маълумотлар келтиришни талаб этади.

Бир журналда: «7 ёшли Низомиддин Мир Алишер Навоий буюқ муҳаддисимиз Бухорий ҳазратларининг олти мингдан зиёд ҳадиси шарифларини ёд билган», – деган жумлага дуч келамиз. Биринчидан, ҳадислар Бухорийники эмас, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)ники. Бу буюқ ватандошимиз уларни саралаган, саҳиҳларини ажратган.

Иккинчидан, Навоийнинг ўз асарларида, бу зот ҳақида бошқа манбаларда ҳозирча бундай аниқ маълумотга дуч келганимиз йўқ. Шундай экан, бу осмон чўққи гапни муаллиф қаердан олиб айтяпти экан?

Навоий нечта асар яратган?

Алишер Навоийдан улкан мерос боқий қолди. Айрим мутахассислар унинг асарлари сонини 30 та деб кўрсатишади. Яқинда Тур-

кия кино ижодкорлари билан ҳамкорликда ишланган «Дунё адабиётининг чинори» ҳужжатли фильмида ҳам буюк бобокалонимиз асарлари сони 33 та экани қайд этилди. Бу – мантиққа зид ҳисоб-китоб.

Филология фанлари доктори, профессор Баҳром Бафоев шоир асарларида ишлатилган сўзларни ўрганиб: «...Эски ўзбек тилида ижод қилинган 24 асарида жами 26035 та сўз қўлланган», – деган хулосага келган. Ҳолбуки, олим ўрганган, лекин бу ерда «асар» деб ҳисоблаганларнинг айримлари тўплам ва улар амалда бир неча асарни ўз ичига қамраб олган.

Агар гап шоирнинг бир муқовада жамланган китоблари ҳақида бораётган бўлса, эҳтимол, 30 тача бўлар. Чунки шоирнинг 9 (мухлислари 1466 йили тузган, илмда «Илк девон» номини олган девон, 1471 йили Шерозда тузилган, илмда «Оққуюнли мухлислар девони», ўзи тузган «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-нихоя» девонлари, «Хазойин ул-маоний»га кирган «Ғаройиб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадоеъ ул-ва-сат», «Фавойид ул-кибар» девонлари, ва форс-тожик тилидаги «Девони Фоний») девони, таржима йўли билан яратилган 2 шеърӣ тўплами («Арбаъин», «Назм ул-жавохир»), жами 6 («Хамсага кирган «Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъайи сайёр», «Садди Искандарий» ҳамда «Лисон ут-тайр») достони, 2 (шоирлар ҳақидаги «Мажолис ун-нафоис» ва шайхлар ҳақидаги «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват») тазкираси, («Холоти Сайид Ҳасан Ардашер», «Хамсат ул-мутаҳайирин», «Холоти Паҳлавон Муҳаммад») манокӣби, тил ва адабиёт назарияси билан боғлиқ 3 («Муфрадот», «Мезон ул-авзон», «Муҳокамат ул-луғатайн») рисоласи, яна 3 («Маҳбуб ул-қулуб», «Вақфия», «Муншаот») насрий-бадиий ва илмий-тарихий асари мавжуд. Шуларни номма-ном санасак, ҳақиқатан ҳам, 30 га яқинлашади, аниқроғи, 29 та бўлади.

Бундай хато қараш ҳақида ўз вақтида устоз навоийшунос, филология фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор Абдуқодир Ҳайитметов ҳам бонг урган эдилар: «Навоийнинг ўзбек тилидаги шеърларининг умумий миқдори «Хазойин ул-маоний» бўйича 3130 тадан ошади. Бунга шоирнинг «Девони Фоний»даги, бошқа асарларидаги лирик шеърлари қўшилса, 4000 тадан ортади. Бироқ Навоий ҳақидаги асарларда, шу жумладан, навоийшуносларнинг асарларида шоир яратган асарлар миқдори бир

ўринда 20 та, иккинчи ўринда 26 та, учинчи ўринда 32 та деб кўрсатилади. Бизнингча, Навоий асарларининг миқдорини бошқача санаш, унинг ҳар бир шеърини, у ғазал бўладими, қитъа бўладими, рубоий бўладими (ва ҳоказо), бундан қатъи назар – бир тугалланган асар, деб ҳисоблаш керак. Масалан, А. С. Пушкин ёки М.Ю.Лермонтовнинг ҳар бир шеъри алоҳида бир асар деб қаралади-ку! Навоийнинг ўзи ҳам ўзини 20 та ёки 26 та асар ёзган деб ҳисобламаган, аксинча, ўзининг бир қитъасида, менинг асарларим миқдори мингларча, уларни ҳеч ким ўғирлаб, тўла ўзлаштириб кета олмайди, деган:

«Эй Навоий, сўз ила онча гуҳар сочтингим,
Баҳру кон кирди қаро ерга сенинг килкиндин.
Бирига ё ўнига ё юзига ё мингига
Дегай эл, найлагай ортуқ эса эллик мингдин?»

Тўғри-да, ахир, бор-йўғи икки сатрдангина иборат фард ҳам – бир яхлит асар-ку. «Хазойин ул-маоний»даги мавжуд тўрт девоннинг ҳар бирида ғазалнинг ўзидан нақд 650 тадан, жами 2600 та бор-ку. «Девони Фоний»да жами 556 ғазал мавжуд. «Хазойин ул-маоний»га кирмай қолган ғазалларини ҳисобга олмаганда ҳам, ўзи девонларига киритган ғазалларининг умумий сони 3156 тани ташкил этаптику.

Биринчидан, ўтмишда яшаб, қалам тебратган бошқа шоир ва ёзувчиларимизга қараганда, Навоийнинг ўзи меросини пухта-пишиқ ҳолда тартибга солиб, китобат қилдириб, келажак авлодларга қолдириб кетган. Чунки умрининг охирида ёзилган «Муҳокамат ул-луғатайн»да ўзи санаган асарларидан бизгача етиб келмагани йўқ.

Иккинчидан, буюк мутафаккирнинг бутун мероси илк бор 1987 – 2003 йиллар мобайнида «Фан» нашриётида 20 жилд сифатида тўлиқ чоп этилди.

Модомики, бугун қўлимизда улуғ шоир ва мутафаккир асарларининг мукамал нашри мавжуд экан, нега унинг асарлари сонини аниқ қилиб кўрсатиш мумкин эмас?!

Бизнинг ҳисоб-китобимизга кўра, Навоийнинг ўзи китобларига киритган асарлари умумий сони 4544 (1 асар, яъни «Рисолайг бари и тийр андохтан» муаллифи масаласи баҳсли экани ҳисобга олинса, 1 минг 543) тани ташкил этади. «Мукамал асарлар тўплами»нинг 20-жилдига «Расмий девонларга кирмаган шеърлар» ҳам берилган. Уларнинг сони қуйидагича: 35 ғазал, 4 қитъа, 1 марсия, 1 тахмис, булардан ташқари, турли манбаларда Алишер Навоийга нисбат берилган 14 байт илова қилинган. Агар бу иловалардаги битган ▶

«Навоийнинг ўзбек тилидаги шеърларининг умумий миқдори «Хазойин ул-маоний» бўйича 3130 тадан ошади. Бунга шоирнинг «Девони Фоний»даги, бошқа асарларидаги лирик шеърлари қўшилса, 4000 тадан ортади

Бизнингча, Навоий асарларининг миқдорини бошқача санаш, унинг ҳар бир шеърини, у ғазал бўладими, қитъа бўладими, рубоий бўладими (ва ҳоказо), бундан қатъи назар – бир тугалланган асар, деб ҳисоблаш керак



Алишер Навоий «Девон»

41 асарнигина қўшганда ҳам, умумий рақам 4585 тани ташкил этади.

Навоий асарларида учраган парчаларнинг бари – ўзиникими?

Бу савол ўртада яна бир масала кўндаланг турганини кўрсатади. Буюк шоирнинг кўплаб насрий асарлари амалда талай шеърий сатрлар билан безатилган. Уларнинг аксарияти – тугал шеърий асар: ё рубоий, ё қитъа, ё маснавий, ё фард.

«Бадойиъ ул-бидоя» девони ҳамда «Хазойин ул-маоний»га битилган дебочалар, «Мажолис уннафоис» тазкирасининг «Бисмил-лоҳир раҳмонир раҳим» деб бошланган кириши, «Маҳбуб ул-қулуб», «Вақфия», «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Тарихи анбиё ва ҳукамо» ҳамда «Тарихи мулуки Ажам» (бу асарни 50 байт, яъни 100 мисрали маснавий билан якунлайди ҳам) шоир асарлари эса бошдан-охир насрий-шеърий аралаш тарзда ёзилган.

«Муншаот» тўпламининг «Муқаддима»си ва ундаги жами 103 мактубдан 84 тасида шеърий сатрлар учрайди, фақат 19 мактубда (9-, 19-, 25-, 26-, 27-, 29-, 30-, 31-, 34-, 35-, 38-, 44-, 46-, 51-, 55-, 57-, 91-, 99- ва 100- мактубларда) шеърий парча йўқ, холос.

«Муҳокамат ул-луғатайн» рисолаининг бошланиши ва тугалланмасида шоир фикр-мулоҳазаларининг тасдиғи сифатида бир неча шеър битилади. Албатта, асарда бошдан-охир тил масалалари таҳлили жараёнида фикр-хулосасига факт-мисол (аргументация) сифатида ҳам талай шеърий парчалар келтирилган. Аммо уларнинг аксарияти тайёр асарлардан олинган, яъни бу рисола учун махсус битилмаган. Аммо бу асардаги шеърларни

айнан шу жиҳатдан тасниф қилиш, келтирилган парчаларнинг бевосита кимнинг қаламига мансублиги ва қайси асардан олинганлигини аниқлаш учун махсус тадқиқот олиб бориш керак.

«Мезон ул-авзон» рисоласини муаллиф махсус битган бир рубоий билан якунлайди. Асарда келтирилган бошқа барча шеърий парчалар бошқалардан олинган ва вазни исботлаш учун мисол тариқасида келтирилган. Аммо ҳанузгача бу рисоладаги шеърий парчалар айна кимнинг қаламига мансуб ва у қайси асарлардан олингани илмда махсус тадқиқ этилганича йўқ.

Навоийнинг биргина «Муножот» асарида шеърий матн учрамайди, холос. Насрийшеърий аралаш битилган асарлардаги шеърларнинг аниқ миқдорини чиқариш, уларнинг жанрларини аниқлаштириш, шоирнинг ўзи уларни келтираётган нима деб атагани хусусиятларини ўрганиш ҳам – алоҳида тадқиқотга мавзу бўлгулик масала.

Ана ўшанда биз, ҳозир баъзан учраб турганидек, буюк бобокалонимиз асарида келтирилган бировнинг шеърини, унинг ўзиники, деб ҳисоблаш касалидан халос бўламиз.

Шуни ҳам инobatга олишимиз керакки, насрий асарларида учрайдиган шеърларнинг айримларини муаллиф, масалан, «рубоий», «қитъа» тарзида аввал унинг жанрини айтган ҳолда келтиради. Бу уларнинг мустақил асар эканини тўла тасдиқлайди. Чунки, масалан, рубоий бор-йўғи тўрт сатрдан иборат бўлади ва бу, насрий асарда келтирилган бўлса ҳам, мустақил бир рубоий ҳисобланаверади.

Ҳозирча тахмин қилиш мумкинки, бу шеърий парчаларнинг ҳар бирини, шартли равишда, алоҳида асар санайдиган бўлсак, биз юқорида келтирган санокқа яна камида 1 минггача шеър қўшилади.

Навоий нечта жанрда ижод қилган?

Алишер Навоий лирикасини тадқиқ қилган олимлар шоирнинг 16 лирик жанрда ижод қилганини қайд этишган. Шу-шу кўплар матбуот, радио ва телевидение орқали чиқишларида, турли учрашувларда билиб-билмай: «Навоий 16 жанрда ижод қилган», – дейдиган бўлиб қолди. Биргина мисол билан чекланамиз: «Алишер Навоий 16 та адабий жанрда ижод қилган». Бу жумладаги «адабий» сўзи ўрнига «лирик» сўзи қўллансагина фикр тўғри бўлар эди. Шу ахборотни газета ёки журналда ўқисангиз ҳам, радио ёки телевидение орқали эшитсангиз ҳам, унинг мутлақо хато

Буюк шоирнинг кўплаб насрий асарлари амалда талай шеърий сатрлар билан безатилган. Уларнинг аксарияти – тугал шеърий асар: ё рубоий, ё қитъа, ё маснавий, ё фард

эканини муаллиф ёки сўзловчига ҳам, энг ёмони мингминг ўқувчи ёки тингловчига ҳам айта олмайсиз. Оқибатда, ўқиганлару эшитганлар онгида шу асоссиз фикр муҳрланиб қолаверади.

2017 йил февралда ўтказилган навоийхонлик тадбирларида, айрим матбуот чиқишлари ҳамда радио ва телевидение материалларида баъзилар шоирнинг 16 та жанрда ижод қилганини айтишди. Йўқ – бу хато.

Келинг, яхшиси, Алишер Навоий айнан нечта жанрда асарлар яратганини аниқлаштириб олайлик. Ахир, бу масалани аниқ-тиниқ аниқлаш учун қўлимизда унинг «Мукамал асарлар тўплами» борку, санаш унчалар мушкул иш эмас-ку. «Хазойин ул-маоний»га кирган девонлардаги жами 16 жанр – қуйидагилардан иборат: ғазал, мустазод, мухаммас, таржиъбанд, (лирик) маснавий, китъа, рубоий, таркиббанд, муаммо, мусаддас, қасида, чистон (луғз), туюқ, мусамман, соқийнома, фард. Форс-тожик тилида «Девони Фони»да «Хазойин ул-маоний»га кирган девонларда учрамайдиган 2 та лирик жанр – марсия билан таърих мавжуд. Шунинг учун, Навоий туркий ва форсий тилда жами 18 лирик жанрда ижод қилган, деб ҳисоблашимиз зарур.

Шоир «Бадойиъ ул-бидоя»га ҳамда «Хазойин ул-маоний»га алоҳида-алоҳида «Дебача»лар битади. Бу ҳам, аслида – бир алоҳида, яъни 19-жанр. 20-жанр – муножот. Улуғ мутафаккирнинг навоийшуносликда «Муножот» номи билан машҳур бўлган ихчам насрий асари жанрини шундай белгилаш мумкин. Аслида, Навоий лирик асарлари орасида ҳам муножот-ғазал, муножот-рубоий ва бошқалар бор, олти достони бошланиш қисмларида ҳам муножот боблар мавжуд. Лекин илмда дастлаб шоирнинг ўзи тузган «Куллиёт»и учун махсус сўзбоши сифатида ёзилган деб қаралган, кейинроқ эса Аллоҳга тавба-тазарру ва илтижолар қилиш илинжида махсус битилган асар сифатида баҳоланган бу насрий асар жанрини «муножот» белгилашдан бошқа йўл қолмади.

Достон – 21-жанр. Навоий олти достон битган. 22-жанр – тазира («Мажолис ун-нафоис», «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват»). 23-жанр – ижтимоий-публицистик панднома («Маҳбуб ул-қулуб»). 24-жанр – мактуб (иншо) (103 мактубдан иборат «Муншаот»). 25-жанр – ҳолот-маноқиб («Ҳамсат ул-мутаҳаййирин» маноқиб, «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад»). 26-жанр – илмий



Алишер Навоий «Маҳбуб-ул-қулуб»

рисола («Муҳокамат ул-луғатайн», «Мезон ул-авзон», «Муфрадот»). 27-жанр – тарихий рисола («Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Тарихи мулуки Ажам»). 28-жанр – вақфнома («Вақфия»). 29-жанр – назмий рисола («Сирож ул-муслимин»). 30-жанр – назмий таржима («Арбаъин», «Назм ул-жавоҳир»). 31-жанр-тахмис Лутфий ва Ҳусайний ғазалиларига бағишланган тахмислар).

Шундай қилиб, Алишер Навоий бутун ижодида жами 31 адабий-ижодий жанрда асар яратгани аёнлашди. Шунинг ўзи ҳам – баъзи олимларимиз ўйламай-нетмай келтирган рақамдан икки баробар кўп. Шоир амалда форс-тожик адабиётида мавжуд барча жанр ва арузий вазнларда ижод қилишни ўз олдига мақсад янглиг қўйган ва бу вазифани шараф билан бажарган эди.

Навойдан йўқ нарсани изламайлик!

Навоий билан бизни, эҳ-ҳе, қанча-қанча замонлару неча-неча маконлар ажратиб туради. Бу буюк соҳиби қалам асарларидаги асл маънони тушуниш учун ўша замону ва ўша маконга «қайтиш» керак. Акс ҳолда, қаттиқ адашамиз.

Навоийга ҳозирги замон қолиплари билан ёндашиб, унда ғоя қидириш – мутлақо хато усул. Шўро даврида шундай қилинди.

Масалан, собиқ иттифоқ федератив давлат, кучли бир империя эди. Шунинг учун халқлар дўстлиги ғоясини ўлиб-тирилиб тарғиб этди. Амалда миллатлараро тенглик таъминланмаган, дилда тамоман бошқа мақсад-муддаолар ётган бўлса ҳам, тилда миллатлар ўртасидаги дўстлик тараннум этилди.

«Фарҳод ва Ширин»га шу қолип билан ёндашилди-да: «Ана халқлар дўстлигию мана халқлар дўстлиги! Бундаги географик кенгликни қаранг! Фарҳод – хитойлик, унинг ▶

Буюк соҳиби қалам асарларидаги асл маънони тушуниш учун ўша замону ва ўша маконга «қайтиш» керак. Акс ҳолда, қаттиқ адашамиз. Навоийга ҳозирги замон қолиплари билан ёндашиб, унда ғоя қидириш – мутлақо хато усул



Ҳозиргача ҳам бу дoston ҳақидаги омманинг содда тасаввурлари шунга ўхшаш сохта қарашлардан нарига ўтмай келяпти. Шу дostonнинг русча, тожикча ва озарбойжонча таржималари асосида диссертация ёқлаган мутахассис сифатида баралла айтаманки, дostonда бундай талқиндаги «халқлар дўстлиги» ғояси мутлақо йўқ

севгилисиди бўлмиш Ширин – арманиялик, унинг қадрдон дўсти бўлмиш Шопур – эронлик!» – деб бонг урдик. Ҳозиргача ҳам бу дoston ҳақидаги омманинг содда тасаввурлари шунга ўхшаш сохта қарашлардан нарига ўтмай келяпти. Шу дostonнинг русча, тожикча ва озарбойжонча таржималари асосида диссертация ёқлаган мутахассис сифатида баралла айтаманки, дostonда бундай талқиндаги «халқлар дўстлиги» ғояси мутлақо йўқ. Фарҳоднинг хитойлик, Шириннинг арманиялик ва Шопурнинг эронлик бўлиши асарда тамоман бошқа ғоявийбадий мақсадлар учун хизмат қилган. Бу ғоявийбадий мақсадлар айнан нималардан иборат эканини аниқлаштириб тушунтириш учун алоҳида тадқиқот керак. Бу ерда бунинг имкони йўқ.

Шўро даврида Ўзбекистонимизда кўриқ ерларни ўзлаштириб, у ерларга Амударё ва Сирдарё сувларини олиб бориш бош масалалардан бирига айланди. Ҳолбуки...

Дostonда Фарҳод чўлга сув чиқаргани йўқ. Мутлақо! Қайтанга, бир кишининг орзу-ҳаваси учун халқ азоб-уқубат чекди. Гап шундаки, Армания ҳукмдорининг эркатой жианчаси бўлмиш Ширин тоғнинг тепасида ўзи учун бир қаср қурдирмоқчи бўлди. Қаср тикланса-ю, сув бўлмаса, унинг қасрлиги қаерга борар эди?! Шу иморат атрофидан сув айланиши керак. Сув эса – узоқда. Тоғнинг нари ёғида бир булоқ бор. Уни одамлар «Айн ул-ҳаёт», яъни «Ҳаёт булоғи» деб аташади. Қасргача орада ўн йиғоч масофа бор.

Уч йилдирки, икки юз уста тоғда ариқ қазади. Ҳар теша урганда нўхатдай-нўхатдай тош учади. Инсон зоти бундай азобни кўрган эмас («Ки кўрмай кимса андоқ ажз ҳаргиз»). Уч йилда икки-уч юз қадам қазилди, холос. «Машаққатдин йигитни эл қари дер». Син-

маган тешаю метин қолмади («Ушолмай қолмади метину теша»). Усталар бу ишнинг оғирлигидан қон йиғлади, лекин ишбошилар зугумини кўймади («Алар қон йиғлабон мундоғ анодин Вале саркорлар тинмай жафодин»). Азобуқубат шу даражага етган эканки, усталар дардларини Фарҳодга тўкиб солди ҳам («Гаҳи фарёду афғоне чекарбиз, Гаҳ иш қилмоқ учун жоне чекарбиз»). Аммо Меҳинбоную Ширин уларнинг узрларини қабул қилмайди («Нечаким зоҳир этсак узри маъқул, Алар оллинда эрмас узри мақбул»). Фарҳоднинг уларга қаттиқ раҳми келди («Кўруб сизни тутун бошимға ошди, Тутун неким, ичимға ўт тутошти»). Ана шунда машхурданмашхур:

Хунарни асрабон неткумдур охир,

Олиб туфроққа му кетгумдур охир, –деган сўзларини айтдида, ишга киришиб кетди. Қорандан ўрганган хунарларини ишга солиб, ҳар ўн-ўн беш тешадан бир катта теша, ҳар ўн-ўн беш метиндан бир катта метин ва бошқа асбоблар ясаб, тоғ қазишни бошлади. Бир кунда бир ўзи икки юз уста уч йилда қазганчалик ариқ қазди.

Ана шу шов-шувли воқеа хабари саройга етиб, Меҳинбону билан Ширинни ўзи Фарҳодни кўришга келди.

Бу ерда Навоийнинг учта мақсади бор. Биринчиси, Фарҳоднинг элга раҳми келгани, унинг қорига ярагани, хунарини ишга солиб, эзгу иш қилгани. Иккинчиси, яхшиликка яхшилик қайтгани. Яъни элга қайишган эди, бунинг савоби етиб, ёрини топди – Шириннинг ўзи уни кўришга келди. Учтинчиси, Ширин ҳам Фарҳодни севиши учун, адабиётдаги анъанага кўра, йигит бирон-бир «каронат» кўрсатиши, шу тариқа қизнинг диққатини жалб этиши лозим эди.

Кўриниб турибдики, асарда ҳеч ҳам чўлларга сув чиқариб, кўриқ ерларни ўзлаштириш мақсади йўқ.

Навоийни бугунги кўз билан ўқийлик!

Энди бир жиддий жиҳатга аниқлик киришиб олайлик. Навоий – бошқа замон кишиси. У XV асрда яшаган. Табиийки, унинг айрим қарашлари, хулосалари, талқинлари бугунги давр талабларига айнан мос келмаслиги мумкин. Унда, марҳамат, тадқиқотчи бунга ўз муносабатини билдириши, айнан ана шу мос келмаслик сабабларини баён этиши мумкин.

Бироқ бу – уни тесқари тушунишдан тамоман фарқ қиладиган ҳодиса. У давр тушунча-тасаввурлари ҳар жиҳатдан бугунги тушунча-тасаввурларга тўғри келадигани, деб ўйлаш ўта соддалик бўлур эди. Яъни буюк шоир ва мутафаккирнинг айрим ҳаётий қарашлари,



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3701> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3701> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3701>